

FORMATION OF ARCHIVE SYSTEM IN SURKHAN OASIS

Dilfuza Juraeva

Director of the State Archives of Surkhandarya region

Annotation: This article is about the formation of the archive system in the Surkhan oasis written about. First of all, in this regard, it should be noted that the collection of such a huge volume of documents is a positive result of years of dedicated work and the consistent completion of various stages of archival work in our country. Naturally, in these unique processes, the creation of the state archive, the creation of a work system in the field, the establishment of new procedures, the development of specific rules at the level of the requirements of the time, and the training of specialist personnel who can work in modern archives were carried out.

Key word: Archive, system, document, labor, result, state.

Аннотация: Ушбу мқола Сурхон воҳасида архив тизимининг шаклланиши ҳақида ёзилган. Аввало, бу борада шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бундай улкан ҳажмдаги хужжатларни тўплаш йиллар оша қилинган фидойи меҳнатнинг, юртимизда архив ишини юритишнинг турли босқичлари изчиллик билан босиб ўтилганлигининг ижобий натижасидир. Табиийки, бу ўзига хос жараёнларда давлат архивини шакллантириш, соҳада иш тизимини яратиш, янги тартиблар ўрнатиш, замон талаблари даражасида ўзига хос қоидалар ишлаб чиқиш, замонавий архивларда ишлай оладиган мутахассис кадрлар тайёрлаш каби ўта зарур ишлар амалга оширилди.

Калит сўз: Архив, тизим, хужжат, меҳнат, натижа, давлат.

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ахборотномасида эълон қилинган маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиздаги Миллий архив фондида халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаётига оид тарихий, илмий ҳамда маданий аҳамиятга молик хужжатлар сақланмоқда. Чунки ҳар йили ўрта ҳисобда архивларга 200 мингдан қўпроқ сақлов бирлигидаги хужжатлар келиб тушади. Бундай катта микдордаги хужжатларни йиғиш, саралаш ва уларни ишончли сақлаш ишлари эса осон кечадиган жараён эмас[1].

Архив соҳасида иш юритиш тизимини жонлантиришда қўл келган ана шундай хайрли тадбирлардан бири мамлакатимиз худудидаги барча вилоятларда фаолият юритиб турган давлат архивларининг туман ва шаҳар бўлимлари, кейинчалик эса, давр тақозоси билан, туманлараро давлат архивларининг ташкил топиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Миллий архив фонди бугунги салоҳиятининг йиллар оша ортиб бориши

айнан ўша даврлардан бошланганлиги боис, мисол тариқасида Сурхондарё вилоятида бу борадаги ишлар қачон ва қандай йўлга қўйилганлиги тарихига қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз[3].

Чунки вилоятимизда архив ҳужжатларининг тўла-тўкис сақланиши, уларнинг идоравий архивлардан олиниб давлат архивлари ихтиёрига ўтказилиши, экспертиза қилиниши, сараланиши, қайта ҳисоблаб чиқилиши, қўплаб қимматли аҳамиятга эга бўлган араб ёзувидаги ҳужжатларнинг кирилча имлога ўтказилиши, ҳужжатларнинг рақамланиб фондларга тақсимланиши каби қатор ташкилий ишлар ва бошқа архив ишини юритишга хос амаллар кўп жиҳатдан жойларда давлат архивларининг ташкил топиши билан боғлиқ бўлди. Давлат архивларига эътибор Шўролар ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларданоқ бошланган бўлса-да, Сурхон воҳасида бу борадаги ишлар бошқа жойларга караганда, нисбатан кечроқ бошланди[4].

Масалан, 1926 йилда вилоят маркази Шерободдан Термиз шаҳрига кўчирилди. Архивларнинг номланиши ҳам ана шу ўзгаришлар асосида қайта номланиб борди. Архив ҳужжатларига таяниб айтадиган бўлсак, Сурхондарёда худди шу йили илк бор архив бюроси очилди ва у шу ном билан фаолият юрита бошлади¹.

1934 йилнинг 19 ноябрида Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Кўмитасининг № 16/86 ва № 6-сонли қарорлари қабул қилиниб, унга асосан Термиз шаҳрида Ўзбекистон Марказий архив бошқармасининг туманлараро бўлими ташкил топди². Ушбу бўлим Бойсун, Жарқўрғон, Сариосиё, Шеробод ва Термиз[20] туманларига хизмат кўрсатиши белгилаб қўйилди. Фикримизга янада ойдинлик киритиш мақсадида, 1934-50 йилларда архив ҳужжатларини сақлаш учун атиги биттагина хона ажратилганлигини айтиб ўтиш керак. 1935 йилга қадар, область яна округ деб атала бошлади. Чунки бу пайтга қадар Сурхондарё Бухоро обlastининг округи ҳисобланар ва у Бухорога буйсунар эди. Сурхондарё область давлат архиви Бухоро давлат архивининг бўлими сифатида фаолият олиб бораради³.

Шу маънода айтадиган бўлсак, дастлабки ҳақиқий давлат архиви 1934 йилда Денов туманида ташкил этилди. У то 1973 йилга қадар туман марказидаги Саид оталиқ мадрасасидаги ҳужраларда ўз фаолиятини олиб борди. Умуман олганда эса, биз сўз юритаётган давр мобайнида Сурхондарёдаги 4 та туманда давлат архивлари фаолият юритган[5].

Кейинчалик эса, яъни ҳужжатлар сонининг ортиб бориши ҳамда аҳолига хизмат кўрсатишини яхишлиш мақсадида яна бир қатор туманларда ҳам давлат архивлари ташкил этилган. Ана шу архивларда бугунги қунда Ўзбекистон Миллий архив фондини тўлдириб турган кўплаб нодир ҳужжатлар тўпланган, қайта ишлов берилган[21]. Бутун собиқ Иттифоқда бўлгани каби, бизнинг мамлакатимизда ҳам архивлар ишини янада

такомиллаштириш, тубдан яхшилаш мақсадида туман ва шаҳарларда мавжуд бўлган давлат архивларини бирлаштириб йириклиаштириш сиёсатнинг юритилиши муҳим босқичлардан бири вазифасини ўтади. Чунки ўша йиллари яхши самара бермаётган, архив ишини юритиш яхши йўлга қўйилмаган туман ва шаҳар архивлари бирлаштирилиб, маълум бир катта ҳудудга хизмат кўрсатадиган туманлараро давлат архивлари ташкил этила бошлади[6].

Шу ўринда юртимизда архивлар фаолиятини янада яхшилашда ўзига хос аҳамият касб этган бир муҳим ҳужжатни эслатиб ўтсак, ўринли бўлади. Гап шундаки, 1961 йил 9 май санасида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг № 303-сонли ҳамда шу йилнинг 2 декабряда Ўзбекистон ССР ҳудудидаги вилоятларда ҳужжатлар вақтинча сақланувчи туман ва шаҳар архивлари ва туманлараро архивларни доимий ҳужжатли материаллар таркибиغا эга давлат архивларига айлантириш тўғрисидаги қарорлари эълон қилинди⁴. Бундай қарорнинг чиқарилиши бежиз эмасди[8]. Чунки ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида ташкил этилган туман давлат архивлари ўзида вақтинча материалларни сақлашга мўлжалланганди. Ўша йилларда ўрнатилган тартибга кўра, маълум бир муддатда туман давлат архивида сақлаб турилган энг муҳим ва жиддий аҳамиятга молик ҳужжатли материаллар албатта вилоят давлат архивига ўтказилар эди. Шу боис, архивчилар ва архив ишларига мутасаддилар туманлардаги архивлар фаолиятига унчалик эътибор қўзи билан қарашмас эди. Бундай эътиборсизлик энг кам ойлик маош тўланишида ҳам акс этиб туарди[7].

Лекин вақт ўтиши билан туман давлат архивларида, идоравий архивларда сақланаётган ҳужжатли материаллар сони тобора ортиб бораётганлиги кузатилди. Чунки мамлакат иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий томондан бир қадар ривожланиб, тараққий этиб бораётганди. Бу эса барча архив ҳужжатларини сифатли сақлаш заруриятини келтириб чиқара бошлаганди. Айни пайтда архивларда иш юртишнинг янги шакл ва усуслари ҳам юзага келаётганди[9]. Чунки ўша кезлари юритилган давлат сиёсати нуқтаи назаридан қараганда, туман ва шаҳарларда фаолият юритиб турган давлат архивлари том маънода худди маданият ўчоқлари каби маънавий, маданий тарғибот ишларини олиб бориши, хуллас, ўзида сақланаётган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширувчи муассаса бўлиши лозим эди. Лекин архивларда мавжуд шарт-шароитлар, ҳужжатларнинг сақланиш ҳолатлари, биноларнинг етишмаслиги, борлари эса талаблар даражасида эмаслиги, қолаверса, давлат архивларини юритиш учун ажратилган ходимлар сони ва уларга тўланаётган маош миқдорининг камлиги, айниқса, архив ишлари устидан етарлича назорат ўрнатилмаганлиги бундай кенг кўламдаги тарғибот ишларини олиб боришга тўсқинлик қилаётганди[10].

Шунинг учун ўша йиллардаги ҳукумат туман ва шаҳарлардаги давлат архивларини бирлаштириш асосида уларни йириклиштириш мақсадида жойларда туманлараро давлат архивлари ташкил этиши борасида тажриба ўтказишга киришди. Бундай тажриба бизнинг мамлакатимизда илк бор Фарғона вилоятида синаб кўрилди. Бу вилоятда мавжуд давлат архивлари негизида 4 та йириклишган туманлараро давлат архивлари ташкил этилди⁵. Натижалар эса кутилганидан ҳам яхшироқ бўлди. Аввало, янги усулда ташкил этилган давлат архивлари учун етарлича штат бирликлари ажратилди, ойлик маошлар кўтарилиди, мутахассис кадрлар билан таъминлаш яхши йўлга қўйилди, архивлар учун алоҳида бинолар ажратилди ҳамда керакли жиҳозлар билан таъминланди[11].

Олиб борилган ушбу тажриба бундан ташқари, аҳолига архив хизматлари кўрсатиш сифати сезиларли даражада ўсганлигини, идоравий архивлар устидан назорат ўрнатиш, уларга ёрдам бериш ишлари яхши самаралар беришини, идоравий архивларда сақланаётган хужжатлар эса вилоят давлат архивлари учун муҳим манба вазифасини ўташини, хужжатли материаллар асосида турли маданий-маърифий, ҳатто, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориша ҳам қулай имкониятлар яратишини кўрсатди[24]. Шундан сўнг, барча вилоятларда маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, жойлардаги туман ва шаҳар давлат архивларини бирлаштириб, шу асосда йириклиштирилган давлат архивлари ташкил этиши тўғрисида қарор қабул қилинди[12].

Масалан, 1962 йил 28 марта Сурхондарё вилоят ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинган “Район давлат архивларини районлараро архивларга бирлаштириш ҳақида”ги № 4-141-сонли қарори⁶ асосида 1962 йил 3 июлда чиқарилган № 461-Р сонли Фармойиши⁷ ҳамда Сурхондарё вилоят давлат архиви бошлигининг шу сана билан чиқарилган буйруғи асосида дастлаб Шеробод туманлараро архиви ташкил этилди. Худди шунингдек, собиқ Ўзбекистон ССР Министрлар Советнинг 1962 йил 2 июндаги “ЎзССРда архив ишини яхшилаш тўғрисида”ги №403-сонли қарори⁸ асосида “Сурхондарё обlastida архив ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш ва архивларни хужжатлар билан бойитиш ҳамда уларнинг ишларини тартибга солиш тўғрисида”ги қарори чиқарилди[25]. Ўрни келганда таъкидлаб ўтиш зарурки, Сурхон воҳасида шахсий таркиб хужжатлари идоралараро давлат архивлари ташкил этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Юқорида айтиб ўтилган Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори асосида Сурхондарё обlast ижроия қўмитасининг 1973 йил 16 августдаги қарори билан “Шеробод туман хўжалик ҳисобидаги идоралараро шахсий таркиб хужжатлари архиви” ташкил топди[13].

Худди шунингдек, Термиз шаҳар ижроия қўмитасининг 1986 йил 9 июндаги № 229/11-сонли буйруғига асосан Термиз шаҳар идоралараро хўжалик ҳисобидаги архив ташкил этилди. Кумкўрғон туман ҳокимининг 2006 йил 27 февралдаги № 198 сон қарорига

биноан “Кумқўрғон туман хўжалик ҳисобидаги идоралараро шахсий таркиб хужжатлари архиви” ҳам ташкил этилди[26]. Шу ўринда эслатиб ўтмоқ зарурки, бундай хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб архивлари Олтинсой, Қизириқ, Ангор, Термиз туманларида ҳам ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилган. Янгидан ташкил этилган давлат архивлари ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудуддаги барча колхоз, муассаса ҳамда корхоналарнинг шахсий таркибига оид хужжатларни сақлашни таъминлашга киришди[14].

Келтириб ўтилган қисқа мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Сурхондарё вилоятида ҳам архив ишларини ташкил этишнинг ўзига хос жараёнлари кўп йиллар давом этган. Яна ортга қайтиб, мисол келтириб ўтадиган бўлсак, бу борада биз сўз юритаётган йилларда вилоят давлат архиви бошлиғи Марина Ушеровна Зильбергерцнинг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Архивлар бошқармасига 1963 йилнинг 19 январида йўллаган хатида шундай дейилади: “Сурхондарё обlastida архiv ишлari қурилиши кеч бошланган. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1934 йил 19 ноябрдаги 18/86 сонли қароридан сўнг, Марказий Архив Бошқармасининг Термиз шаҳрида Шеробод, Жарқўрғон, Бойсун, Паттакесар, Денов, Сариосиё районларига хизмат кўрсатувчи районлараро бўлими ташкил этилди. Ўзбекистон ССР Архивлар Бош Бошқармасининг 1935 йил 17 июлдаги хатига асосан, Термиз шаҳар районлараро архив бўлими хизмат кўрсатадиган районларнинг қўшимча рўйхати тузиб чиқилди⁹. Сурхондарё вилояти давлат архивини бошқарган Марина Ушеровна Зильбергерцнинг ўша хатига таянган ҳолда айтиш мумкинки, Марказий Архив Бошқармасининг Термиз бўлими хизмат кўрсатадиган туманларнинг рўйхати ҳам тузиб чиқилган¹⁰. Ушбу рўйхат асосида Бек-Будин ёки Қарши, Бешкент, Деҳқонобод, Косон, Гузор, Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларига Термиз туманлараро архив бўлими томонидан хизмат кўрсатиладиган бўлди. 1935 йил 21 декабрда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиуми йиғилишида амалда фаолият юритиб турган Термиз шаҳридаги туманлараро архив бўлимини қайта ташкил этиш ва уни Сурхондарё округ архивига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди[15].

Табиийки, бундай қайта ташкил этилиш ва хужжатларни марказлашган ҳолда сақлашга ўтилгач, вилоят давлат архивининг фонди ҳам сезиларли даражада кўпайди. Чунки туманлардаги архивларда сақланаётган кўплаб хужжатлар вилоят архиви ҳисобига ўтказилди[16].

Юқорида иқтибос келтирилган хатда билдирилишича ўша йиллари, яъни 1963 йилда Сурхондарё вилоят давлат архиви фонди 460 та, сақлов бирлиги эса 50599 та бўлган.

Сурхондарё давлат архивида жамланган бу фондларда сақланаётган хужжатлар 1917-1957 йилларга тегишли эди[17].

Бир сўз билан айтганда, воҳадаги давлат архивида Шўролар даврига оид архив хужжатлари фондларга жойлаштирилган. Масалан, 18-фондда округ ижроия қўмитасига, 148-фондда Термиз шаҳар бошқарувига оид хужжатлар жамланган[18].

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда бўлгани каби Сурхондарё воҳасида ҳам давлат архиви ишларини ташкил этишининг дастлабки босқичида Сурхон воҳасида содир бўлган унтилимас воқеалар, янгиликлар, юзага келган манзаралар ҳам қисман иқтибос келтириб ўтилган хужжатларда тасвирлангани каби бўлган. Давлат архивлари иши эса йилдан-йилга, гарчанд у социалистик мафкурага буйсундирилган бўлса-да, зиммасига юқлатилган вазифаларни фидойилик билан ўтаб бораверган[19].

Буни то 1918 йилдан 1950 йиллар охиригача “Республикамизда фаолият юрита бошлаган давлат архивлари сони кўпайиб, уларда сақланаётган хужжатлар ҳам ортиб борганлигига кўриш мумкин. Масалан, 1936 йилда республикада 31 та туман ва шаҳар давлат архивлари ташкил этилди. Демак, сўзимиз аввалида биз таъкидлаб ўтган катта ҳажмдаги архив материаллари ана шундай изланишлар, мashaққатли меҳнатлар, янгича тартибларни, иш услубларини дадиллик билан қўллаш натижасида вужудга келган.

АДАБИЁТЛАР:

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Тошкент ш. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон Сурхондарё вилояти давлат архиви. 519-Фонд, 2-рўйхат, 26.-иш, 26-варақ.
2. ЎзК(б) Андижон шаҳар шаҳаркоми ва меҳнаткашлар депутатлари Андижон шаҳар советининг органи “Коммунист” газетаси. 1941 йил, 9 март №57 (1990).
3. Urazova, R. T. (2016). INTERPRETATION OF THE 31ST GATHA OF YASNAIN" AVESTA". Himalayan and Central Asian Studies, 20(4), 90.
4. Ra'no, T. U. (2017). Religious and social thoughts of the people of ancient India, Central Asia and Iran. Himalayan and Central Asian Studies, 21(1), 61.
5. Уразова, Р. Т. (2022, April). АНАЛИЗ УРОВНЕЙ СОЦИАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ ПО РЕЛИГИОЗНЫМ ИСТОЧНИКАМ (НА ПРИМЕРЕ АВЕСТА И РИГВЕДА). In E Conference Zone (pp. 183-185).
6. Fazilat KULTAEVA. (2022). STUDY OF ERGONYMS IN UZBEKI LINGUISTICS. World Bulletin of Social Sciences, 16, 11-14.
7. Kultayeva,F. (2022, November). ERGONIMLARNING JAHON VA O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA O 'RGANILISHI. In E Conference Zone (pp. 131-136).

-
8. Abdulloev, S. B. (2021). Positive Attitudes To" Dev. Central Asian People. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(01), 275-279.
 9. Абдуллоев, С.Б. (2021). Позитивное отношение к « деве». Народы Центральной Азии. Американский журнал социальных наук и инноваций в образовании , 3 (01), 275-279.
 10. Бобоисмойлович, А.С. (2022). Отражение празороастрской веры в материальной культуре Средней Азии. ЦЕНТРАЛЬНО-АЗИАТСКИЙ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ НАУК И ИСТОРИИ , 3 (11), 70-75.
 11. Абдуллоев, Ш. (2021). “Даэва” лар—Ўрта Осиё қадимги халқларининг худолари. Общество и инновации, 2(8/S), 188-193.
 12. Абдуллоев, Ш. (2021). Ўрта Осиё қадимги пантеонини ўрганишда «Даэва» образини тадқиқ этишнинг аҳамияти. Общество и инновации , 2 (8/C), 181-187.
 13. Абдуллоев, Ш. Б. (2021). “АВЕСТА” ДА КАРАПАНЛАРНИНГ ТАЛҚИНИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(Special Issue 2), 162-168.
 14. Bozorovich, S. S., & Yusupovich, K. S. (2020). The new study on the history of the early religions archaeological sources or innovative approach to the problem. American Journal of Social and Humanitarian Research, 1(5), 17-24.
 15. Bakiev, A., & Yuldasheva, Z. (2020). THE FIFTH CIVILIZATION OF THE ANCIENT EAST. Theoretical & Applied Science, (8), 39-45.
 16. Bakiev, A. (2021). LOCAL ORIGINS OF OXUS CIVILIZATION. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 7(5), 1-1.
 17. Yuldasheva, Z. (2022). The kushan period and its place in the history of the peoples of the surkhan oasis. Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities, 12(5), 373-376.
 18. Yuldasheva, Z. K., & Shohida, J. AN IMPORTANT SOURCE ON THE HISTORY OF AMIR TEMUR. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 1, 489.
 19. Бакиев Анвар Ахмедович (2021). О ПЯТОЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ ДРЕВНЕГО ВОСТОКА. Бюллетень науки и практики, 7 (5), 541-555.
 20. Boqiev, A. A. The first comments on the “Information-technological map of the written source”(VI-XIX centuries). Historical thinking. A collection of scientific and practical articles by historians, 7, 41-62.
 21. Xidirova I., N. Gender Characteristics of Family Speech Speech (On the Example of the Uzbek Family) //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2021. – Т. 1. – №. 2. – С. 196-199.

-
22. Raxmonjonova G., Xidirova I. CHORTOQ SO 'ZINING KELIB CHIQISHIGA OID ILMIY QARASHLAR //Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – T. 2. – №. 11. – C. 188-189.
23. Makhliyo B. et al. Linguistic Features of Artistic Similes //Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture. – 2022. – T. 3. – №. 11. – C. 41-46.
24. Qizi, Botirova Maxliyo Baxodir, and Islomov Sardor Sanjarovich. "BADIY MATNNING LINGVISTIK MOHIYATI." Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences 1.3 (2021): 46-51.
25. Botirova M., Qayumova M. Language Characteristics of Phraseological Units //Procedia of Philosophical and Pedagogical Sciences. – 2022. – T. 1. – №. 1. – C. 80-83.
26. Abdualimova G. H. FE'L NISBAT KATEGORIYASINING DAVRLARARO VA TURKIY TILLARARO SOLISHTIRMASI. – 2022.
27. Tursunov, S., & Rustamova, N. (2021). Professor Mamat Haydarov: Science, Management and Youth School. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(7), 602-607.
28. Tursunov, S., Kobilov, E., Murtozoyev, B., & Pidayev, T. (2004). History of Surkhandarya.(p. 177). Editorial office of oriental publishing and Printing Company, 2, 1870-1917.
29. KULTAEVA, Fazilat. "ANALYSIS OF ERGONOMIC UNITS AT THE ONOMASTIC LEVEL." (2022).
30. Shapulatov, U., & Normominov, M. (2021). Treasure of coins found qirqqiz monument. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(11), 397-401.
31. Shopulatov, U. K. (2021). ON THE MAIN FACTORS OF THE ESTABLISHMENT OF THE FIRST STATES (ON THE CASE OF CENTRAL ASIA). World Bulletin of Public Health, 4, 116-117.
32. Qurbanov, A. (2022). THE FIRST ALTARS OF CENTRAL ASIA OF BRONZE AGE. Eurasian Journal of Academic Research, 2(5), 92-96.
33. Makhmaraimova, S. T., & Makhmaraimov, S. T. (2021). METAPHOR AND NATIONAL THINKING. Thematics Journal of Social Sciences, 7(6).
34. Makhmaraimova, S. T. (2021). UZBEK POLITICAL AND SOCIAL, PUBLIC DISCOURSE METAPHORIC MODELS. Thematics Journal of Education, 6(November).
35. Махмараимова, Ш. Т. (2013). Роль теоморфической метафоры в практике познания мира. Актуальные вопросы общественных наук: социология, политология, философия, история, (28), 62-67.
36. Mahmaraimova, S. T. (2013). role of the Teomorphic metaphor in practice OF THE WORLD'S COGNITION. Наука и человечество, 1(2), 68-73.

-
37. Makhmaraimova, S. T., & Yakibova, D. S. (2019). Speech development in lessons of physical culture by means of communicative games. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(9), 187-193.
38. Махмараимова, Ш. (2018). Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати. Т.: Чўлпон, 100.
39. Махмараимова, Ш. Т. (2020). Ўзбек метафораси лингвомаданиятлар кесимида (техноморф ва теоморф метафоралар мисолида). In Гуманитарное и социально-научное знание: теоретические исследования и практические разработки (pp. 47-56).